O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 21 » iyul № 400 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Миллий диспетчерлик маркази” давлат муассасаси фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия сақлаш тизимларини ягона электр энергетикаси тизимига интеграция қилиш жараёнида тезкор-диспетчерлик бошқарувини такомиллаштириш, шунингдек, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Миллий диспетчерлик маркази” давлат муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муассасада малакали мутахассислар ва уларнинг захирасини яратиш ҳамда электр энергетикаси тизимида диспетчерлик бошқаруви фаолиятини рақамлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Миллий диспетчерлик маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) ходимларининг умумий чекланган сонини қўшимча 30 та штат бирлигига ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Энергетика вазирлиги **бир ой муддатда** Марказ ходимларининг умумий чекланган сони ҳамда унинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқласин.

3. Энергетика вазирлиги Марказ билан биргаликда:

икки ой муддатда реал вақт режимида энергия балансини режалаштириш, генерация, шу жумладан, қуёш ва шамол станцияларининг прогнози ва уларнинг турғун ишлаш моделларини яратиш тизимини йўлга қўйсин. Бунда замонавий моделлаштириш ва прогнозлаш учун “Power Factory” (DIgSILENT) ҳамда “PLEXOS” дастурий таъминотларини хорижий грантлар, халқаро молия ташкилотларининг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан жорий этиш чоралари кўрилсин;

2026 йил 1 сентябрга қадар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим ва тажриба алмашиш дастурини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

4. Белгилансинки, Марказ даромадларининг камида 15 фоизи Марказнинг марказий аппарати, минтақавий ва ҳудудий бўлимлари моддий-техник базасини техник қайта жиҳозлаш ҳамда ходимлар малакасини оширишга йўналтирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**